



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 7-iyul • Seshanba • 80 (30.041) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Тошкент тасодифан пойтахт бўлган эмас. Ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида Буюк ипак йўлидаги бу шаҳар коммуникация жиҳатидан Мағрибу Машриқни, жануб ва шимолни том маънода боғловчи муҳим манзил, Турон, Туркистон, Ўрта Осиё замидаги буюк марказ сифатида маълум ва машҳурдир».



Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

ЯККАСАРОЙ ЧИРОЙИ, тараққиёти ва истиқболи

Туман 1936 йил 26 августда ташкил тошган. 1992 йили собиқ Фрунзе районига Яккасарой тумани номи берилган. Чилонзор, Сергели, Миробод ва Юнус-

обод туманларига чегарадош. Умумий майдони 1,46 минг гектар. Аҳолиси 115,2 минг киши.

(Давоми 2 ва 3-бетларда)



18 МУСТАҚИЛЛИК 1991 ОЛИЙ НЕЪМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар комплексининг 2009 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

ЯРИМ ЙИЛЛИК САРҲИСОБИ

Мажлисда Комплекс соҳаларининг ҳисобот давридаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари, жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини бартараф этиш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида юқори технологияли телерадиоусуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вази-фа ва топшириқлар ижросини, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳўкимлик органлари ахборот тизимларининг интеграциялашган тармогини яратиш ва идоралараро электрон ҳўжат алмашуви жорий этилишини ҳамда Комплекс таркибига кирувчи идораларда ижро интизомини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

2009 йилнинг ўтган даврида Комплекс бўйича 834,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди (2008 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 130,1 фоизни ташкил этди). Жумладан, аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар 451,2 млрд. сўмни (140,8 фоиз) ташкил этди. Экспорт бўйича прогноз кўрсаткичлари 128 фоизга, Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар режаси 120 фоизга бажарилди.

Мажлисда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ҳамда маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турла-

рини кўпайтириш, уларнинг таннарх-ни пайсатириш, ишлаб чиқариш ва хомашё ресурсларидан омилкорлик ва тежамкорлик билан фойдаланиш, корхоналарнинг экспорт имкониятларини ошириш сингари устувор вази-фаларнинг ижроси, меъёрий-ҳўқуқий базани такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳўкимлик органлари ахборот тизимларининг интеграциялашган тармогини яратиш ва идоралараро электрон ҳўжат алмашувини жорий этиш, Тошкент вилояти ҳўкимлиги, шаҳар ва туманлар ҳўкимликларида ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлар, «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси тизимида ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ва ривожлантириш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати қарорларининг ижроси тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди ҳамда бу борада амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Мажлисда Комплекс таркибига кирувчи идораларда ижро интизомининг аҳоли алоҳида таҳлил этилиб, жойларда бу борада йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларга барҳам бериш ҳамда ижро интизомини таъминлашда раҳбарлар ҳамда мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш юзасидан аниқ топшириқлар берилди ва қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

Муносабат

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

ИЖОД АҲЛИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

Ижодий иш қанчалик индивидуал жараён бўлмасин, у ала-оқибат, ижтимоий муҳитдан ташқарида намоён бўлолмайди. Қола-верса, бадий ижод ҳаммаша муайян жамиятни тутиб турган ар-конлардан бири бўлиб келган.

Маънавиятнинг ўзак қисмларидан бири бўлмиш адабиётнинг макеи турли замонларда турли даражада бўлгани ҳам сир эмас. Ўтган мустабид тузум даврида ижодкорларнинг тиллари боғла-ниб, чекланиб, кўплари қатағонга учраганини бугунги кунда изтироб билан эслаймиз. Шу маънода истиқлолимиз, биринчи навбатда, адилларга рўшнолик келтирди. Улар хоҳлаган мавзуларида асар ёзиш имконига эга бўлдилар. Цен-зура бартараф этилди.

Тўғри, бу ёруғ кунларга етиб кел-ганча кўпгина адабларимизнинг ёшлари ўтиб қолган. Шунга қарамай янги даврнинг ҳақиқатла-рини кўйлаш ва бадий акс этти-риш гоёта зарур эди. Кейинги авлод бу олижаноб вази-фани адо этишда адабий кўникма ҳосил қила бошладилар.

Албатта, барча ижодкорлар син-гари ёзувчиларга ҳам аввалам-бор маънавий мадад зарур эди. Истиқлолимизнинг биринчи кунла-

ридан бошлаб муҳтарам Прези-дентимиз ижодкорларга меҳр ва эътибор билан қарай бошлади. Бир вақтлар пароканда бўлган Ёзувчилар уюшмаси ягона ташки-лотга айланди. Адибларимизнинг меҳнати қадр топиб, муносиб ба-ҳўланмоқда, улар давлатимизнинг юксак унвону мукофотлари билан тақдирланишмоқда. Ҳатто дунёдан ўтган шоир ва ёзувчиларнинг хо-тираларига катта ҳурмат билан қаралиб, асарлари қайта нашр этилмоқда, таваллуд саналар му-носиб равишда нишонланмоқда, миллий адабиётимизни ривожлан-тиришдаги буюк хизматлари эъти-роф этилмоқда. Ушбу меҳру му-руват гоёта изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Муҳтарам Юртбошимизнинг яқин-да миллий адабиётимизни ривож-лантириш бўйича билдирган фир-мулоҳазалари ҳақиқатан ҳам адаби-ётга, маънавиятга эътиборнинг ёрқин намунаси. Ушбу мулоҳа-заларда илгари сурилган долзарб масалалар, шубҳасиз, адабиётим-изнинг тараққиёти учун хизмат қилади. Президентимиз таъкидла-ганларидек, «Зиёлиларнинг илгор қисми бўлиш бадий адабиёт вакилларининг халқимиз қалби-ни, унинг олий мақсадлари, бу-

гунги ҳаёти, тақдири ва келажак-гини яқиндан биладиган инсон-лар сифатида жамиятимиздаги ўрни ва таъсири беқийсдир».

Дарҳақиқат, ёзувчининг мақоми юксак. Жамият ҳаётида юз бери-ши мумкин бўлган жараёнлар, туб ўзгаришлар аввало ижодкорлар қалбига нишона беради. Сўзининг қудрати эса чексиздир. Юртбоши-миз адабиётимиз босиб ўтган яқин тарихга назар ташлар экан-лар: «Табиики, давр тақозоси-га кўра, ёзувчилар яшаш учун, ўз истеъдодини рўёбга чиқар-иш учун коммунистик тузум билан муроаса қилишга мажбур бўлган. Шу маънода, мустабид тузум даврида виждон азоби-ни ким кўпроқ тортган, деса, мен, доимо бу ҳаётнинг маъно-мазмунини, инсоннинг қадр-қим-мати, эл-юрт тақдири ҳақида қайғуриб яшайдиган одамлар ва уларнинг олдинги қаторида бўлган ижод аҳли, деб айтган бўлардим», деб таъкидлайди. Бу гоёта муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган адолатли фикр.

Ижодкорларни, айниқса, ёш қалам соҳибларини маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувват-лашга, уларнинг муаммоларини ҳал этишга давлат миқёсида аҳамият берилаётгани бизни гоёта қувонтиради. Уюшманинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш йўлидаги гамҳўрлик эса ҳар би-римизнинг дилимиздаги ораунинг ифодаси бўлди.

Биз ушбу ишонч ва гамҳўрликка жавобан фақат ижод қилишимиз, ижод қилганда ҳам халққа, замон-га, истиқлолимизга муносиб умр-боқий асарлар яратишимиз шарт.

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Юнусобод, Ўрта Чирчиқ туман партия кенгашлари, маданият ва спорт бўлимлари билан ҳамкорликда «Меҳржон» ором-гоҳида «Мустақиллик ва ёшлар» мавзусида маданий-маърифий тадбир ўтказди. Унда партия фаоллари, ёш тарғиботчилар, «Истиқбол» ёшлар қаноти вакиллари, дам олувчи ёшлар иштирок этишди.

Мамлакатимиздаги туб ислохотлар самараси, аҳоли, хусусан, унинг ижтимоий ҳўмоёга муҳтож қатлами тур-муш фаровонлигини таъминлаш, баркамол авлодни вояга етказиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ало-ҳида таъкидланди.

«МЕҲРЖОН» МЕҲРИ



Мухтасар АБДУРАҲМОНОВА, ЎзХДП МК сектор мудири:

— Ёшларга яратилаётган шароит, берилаётган им-кониятларни кўриб, улар-нинг нақадар бахтли экан-ликларига гувоҳ бўлаемиз. Фарзандларимиз истиқ-лол туфайли мана шундай гузал ва обод оромгоҳлар-да дам олмақда. Муста-қиллик шарофати билан

ҳар бир соҳа ривож топиб, такомиллашиб бормоқда. Болажонларга юртимизда таълим, спорт, маданият соҳасида кенг шароитлар яратилган. Улардан фақат-гина бундай имкониятлар-дан унумли фойдаланиш ва жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшувчи фар-зандлар бўлиб вояга етиш талаб этилади, холос.

(Давоми 2-бетда)

«Фалла – 2009»

ХИРМОНЛАР ДОНГА ТўЛМОҚДА

Навий вилояти ғаллакорлари ҳам шартнома режасини ошириб бажар-дилар. 40 минг 600 гектар ғаллазор-дан мўлжалдагидан ортиқ ҳосил оли-ниб, қабул пунктларида қарийб юз минг тонна сара дон топширилди.

— Об-ҳавонинг ноқулай келишига қарамай, ми-ришкорларимиз агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш ҳисобига баракали ҳосил етиштир-дилар, — дейди Навий вилояти қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Камолиддин Шер-матов. — Вилоятда ҳосилдорлик ўртача 46,6 цент-нерни ташкил этди. Айниқса, Қизилтепа, Хатирчи, Навбахор, Қонимех ва Қармана туманлари вилоят хирмонига салмоқли улуш қўшдилар.

Ҳосилни тез ва нобудгарчиликларсиз йиғишти-риб олиш учун саксондан ортиқ комбайндан унумли фойдаланилди. Донни қабул пунктларига ташиш ишларига 371 та юк автомобилли ва 464 трактор тиркамалари жалб этилди. Жорий мавсумда вило-ят иқлим шароитига мос, серҳосил «Половчанка», «Крошкка», «Чиллаки» навларидан етарли миқдорда уруғлик жамғарилди.

Айни кунларда далаларда ўрим-йиғим давом эт-моқда. Ҳосилдан бўшаган майдонларда сомонни йи-ғиб олиш ва шудгорлаш ишлари пешма-пеш олиб борилмақда.

Ёркул УМАР, ЎЗА муҳбири



O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

АМАЛИЙ ИШ

ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Ўзбекистон ХДП Избоскан туман ва Гулистон шаҳар ташкилотлари конференциялари бўлиб ўтди.

2



240 ТА РАДИОСТАНЦИЯ

фаолиятни тўхтатиши мумкин, агар...

3



СКОЛАРИНИНГ ДЕБЮТИ

4

«МЕХРЖОН» МЕХРИ

Акмал УМАРАЛИЕВ, ЎзХДП «Истикбол» ёшлар қаноти Марказий бошқаруви раиси:

— Ёшларни ватанпарварлик, миллий маънавиятимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда сиёсий фаоллик, юксак маънавият ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасида «Истикбол» ёшлар қаноти томонидан мунтазам тадбирлар ўтказилмоқда. Мустақилликнинг мазмун-моҳияти, унинг нечоғлик азиз неъмат эканлиги учрашув ва давра суҳбатларида алоҳида уқтирилмоқда. Мазкур маданий-маърифий тадбирдан мақсад — Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда ёшлар фаоллигини кучайтириш, уларни миллий кадриятга садоқат руҳида тарбиялашдан иборат. Усиб келаётган авлодда Ватанга муҳаббат, юртимиздаги тинч-осойишта ҳаётни кадрлаш, мустақиллик берган имкониятлардан унумли фойдаланиш туйғуларини шакллантириш партия ёшлар қанотининг муҳим вазифалари сирасига киради.

Сайёра МҲМИНОВА, оромгоҳ маънавият-маърифат бўлими раҳбари:

— Оромгоҳ 1975 йили ташкил топган. Бугунги кунда уч сменада 300га яқин бола бу ерда дам олмақда. Оромгоҳи-

мизга асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятдан болалар келишади. Хўжайли ва Юнусобод туманларидаги Меҳрибонлик уйларида келган болаларнинг ёз давомида дам олиб кетадилар.

Ойжамол УТИМУРОВА, Нукус шаҳридан:

— Бу оромгоҳга биринчи марта келишим. «Меҳржон» менга жуда яқин. Бу ерда спорт, расм, юмшоқ ўйинчоқлар тикиш, сартарошлик каби турли тўғараклар бор. Мен юмшоқ ўйинчоқлар тикишга қизиқман. Хозир шу хунарни кунт билан ўрганаёман. Шунингдек, бу ерда кўплаб дўстлар орттирдим. Кейинчалик улар билан хат орқали мулоқот қилиб тураман.


Тадбирнинг иккинчи қисмида ёшлар спорт турлари бўйича ўз иқтидорларини кўрсатишди.

Дилшод УСМОНОВ, спортнинг стол тенниси бўйича беллашуви ғолиби:

— Бу ерда мароқ билан дам олаёмиз. Биз ҳар йили бу оромгоҳга келиб тураемиз. Ёз бошланиши билан «Меҳржон»га ошиқамиз. Мазкур оромгоҳда танишган дўстларим мен учун жуда қадри.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири, Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

Туманда Республика Ички ишлар вазирлиги, шаҳар йўл ҳаракати ва хавфсизлиги бошқармаси, Республика «Қорақўл» компанияси, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси, «Ўзбекенгил-саноат» ДАК, «Ўзбекчармпойабзал» уюшмаси, Гематология ва қон қўйиш илмий-текшириш институти, «Ўзгеотехлити» илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш институти, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти, «Байналмилал» миллий маданият маркази каби идора ва ташкилотларнинг бинолари жой олган.



ҚУТЛУГ ТҲЙ ТАРАДДУДИ

Вали МУЛЛАДЖАНОВ, Яккасарой тумани ҳокими

Орзиқиб қутилаётган дамлар яқинлашмоқда. Пойтахтимизнинг 2200 йиллик тўйи энг улуг, энг азиз — Мустақиллик тантаналарига уйғунлашиб кетишида катта рамзий маъно бор. Боиси, гўзал Тошкент истиқлол йилларида чинакамига қирой очди, кўркамлашди. Кенг ва раво кўчалар, замонавий кўприklar, маданият ва санъат қошоналари, замонавий турар жой бинолари, бири-бирини дўстлар гўзал фавворалар берро этилди.

Тумандаги мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот сифатини яхшилаш, иш ўринларини кўпайтириш ва касаначиликка аҳамият берилмоқда. Жумладан, собиқ Тошкент тўқимачилик комбинати қошида очилган 4 та қўшма корхона, «Тоштекстильмаш» ўрнида юзага келган 13 та корхонада ҳам ишлар яхши йўлга қўйилган.

маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг ахтарилини экспортга йўналтиришга аҳамият берилмоқда.

Учта олий ўқув юрти — Низомий номидаги Тошкент педагогика университети, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент давлат миллий ракс ва хореография олий мактаби, унлаб академик лицей ва касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда. Янги ўқув мавсумига тайёргарлик режа асосида давом этмоқда. Хусусан, 73-мактаб ҳамда тижорат касб-хунар коллежларида қўйилган ва таъмирлаш ишлари якунланди. 160-мактабда давом эттирилган очик сув ҳавзаси фойдаланишга «Аския» топшириш учун шайлаб қўйилди. 13-мактабдаги янги бассейн ва «Қўшбеги» спорт мажмуаси ҳам ишга қўйилди.

Туманимиз эҳтиёжи учун 60 миллион сўмлик асфальт ажратилишига розилик олдик. Бу ишлар туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан амалга оширилди. Шунингдек, маҳалла кўчаларидаги электр ёриткичлар тўлиқ таъмирланган. Шу мақсадда 50 миллион сўмлик маҳсулот олинган. Бу билан маҳалла кўчаларининг байрам кунларида ёруғ ва нурафшон бўлишини таъминлашга эришилди.

Тумандаги тиббиёт масканлари таъмирланган ва аҳолига ибратли тиббий хизмат кўрсатишга ҳаракат қилинмоқда. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш учун етарли шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, «Аския» топшириш учун шайлаб қўйилди. 13-мактабдаги янги бассейн ва «Қўшбеги» спорт мажмуаси ҳам ишга қўйилди.

Коммунал хизматлар савиясини ошириб бораёмиз. Мавжуд 512 та кўп қаватли уйлардан 434 таси марказий иситиш тизимидан фойдаланади. Қолганлари газ билан иситилади. Кўп қаватли уйларда қирқ мингдан кўпроқ киши яшайди. Қиш гамини ёзда кўр, деганларидек, изгирилди кўнлар ҳақида хозирдан қайғуриб, 19 та кўп қаватли уйда коммуникация тизимини таъмирлаш ишлари бошланган. Жами 20 минг 500 кв. м. майдондан иборат томлар қайта таъмирдан чиқарилди. Бугунча иккита кўп қаватли уй томи созлаб қўйилди. «Бобур» маҳалласидаги 4 та кўп қаватли уйга лифт ўрнатилганидан кекса-ую ногиронлар бехад мамнун.

Маҳалладошлар кўнглини олмай туриб, катта байрамни қаршилаш тасаввурга сиғмайди. Нуруний отахонлару мунис онахонларнинг очик чеҳраларини кўриш, дуосини олишга нима етсин. Шу боисдан, байрамолди юмушларидан бири қилиб маҳалла ички кўчаларига асфальт ётқиизишни режалаштирган.

«ТаштЭЦ маркази Чилонзор, Миробод, Сергели ва туманимиз аҳолиси яшайдиган уйларни иситиш қисмилик манбаи билан таъминлаб турибди. Тошкент кафеель ишлаб чиқариш заводи маҳсулотларида ҳам талаб катта. Бундан ташқари «Met — Fur — Servis», «Sirkechi Tastekstil», «Al — Akbar Textile», «Бунёдкор», «МАР», «Титан ММК» каби масъулияти чекланган жамиятлардан иборат қўшма корхоналарда ҳам иш ўринларини кўпайтиришга имкон топмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Режага кўра бу йил 9716 та янги иш ўрни яратиш мўлжалланган. Утган ярим йилликда 5260 фўжаро ишли бўлди. «Тоштўқимачи», «Тоштўқимачимаш» заводларидаги ички имкониятлар ҳисобига бу борадаги ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Туманда тайёр

Туман ҳудудида жами 157 та кўча бўлиб, шундан 17 таси марказий кўчалар ҳисобланади. Кўчаларга Бобур, Нукус, Усмон Носир, Шота Руставели, Кичик Халқа йўли, Гавҳар, Ўзбекистон, Ш.Рашидов, Ат-Термизий, Муқимий, Қушбеги, Юсуф хос Хожиб, Б.Бобоев, Шох Жаҳон, Космонавтлар, Миробод ва Чўпонота номлари берилган.

ТаштЭЦ маркази Чилонзор, Миробод, Сергели ва туманимиз аҳолиси яшайдиган уйларни иситиш қисмилик манбаи билан таъминлаб турибди. Тошкент кафеель ишлаб чиқариш заводи маҳсулотларида ҳам талаб катта. Бундан ташқари «Met — Fur — Servis», «Sirkechi Tastekstil», «Al — Akbar Textile», «Бунёдкор», «МАР», «Титан ММК» каби масъулияти чекланган жамиятлардан иборат қўшма корхоналарда ҳам иш ўринларини кўпайтиришга имкон топмоқда.


Аҳолини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Режага кўра бу йил 9716 та янги иш ўрни яратиш мўлжалланган. Утган ярим йилликда 5260 фўжаро ишли бўлди. «Тоштўқимачи», «Тоштўқимачимаш» заводларидаги ички имкониятлар ҳисобига бу борадаги ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Туманда тайёр

Маҳалладошлар кўнглини олмай туриб, катта байрамни қаршилаш тасаввурга сиғмайди. Нуруний отахонлару мунис онахонларнинг очик чеҳраларини кўриш, дуосини олишга нима етсин. Шу боисдан, байрамолди юмушларидан бири қилиб маҳалла ички кўчаларига асфальт ётқиизишни режалаштирган.

Маҳалладошлар кўнглини олмай туриб, катта байрамни қаршилаш тасаввурга сиғмайди. Нуруний отахонлару мунис онахонларнинг очик чеҳраларини кўриш, дуосини олишга нима етсин. Шу боисдан, байрамолди юмушларидан бири қилиб маҳалла ички кўчаларига асфальт ётқиизишни режалаштирган.

Толиб САЙФУЛЛАЕВ, ЎзХДП туман кенгаши раиси

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТИ



Яккасаройликлар орасида партияимиз аъзолари кўпайиб бораётгани кўнгилни хушнуд этади. 2237 нафар ХДП

аъзосидан 53 фойзидан аёллар ташкил этса, 40 фойзи ёшлардан иборат.

Партияимиз ташкилоти туман ижтимоий-иқтисодий тараққиётга муносиб хисса қўйишга ҳаракат қилаёпти.

Айни пайтда гўзал Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш ишлари бўйича жойларда турли учрашув ва гурунлар ўтказиб, шаҳарнинг ўтмиши ва келажаги ҳақида мутахассисларнинг суҳбатларини уюштиряёмиз. Биз сиёсий партия вакиллари сифатида энг аввало, бу байрамнинг аҳамияти, мустақиллик имкониятларини халқимизга кенгроқ тўшунтиришни мақсад қилганмиз.

Седат ШЕНГУЛ, «Sedat-трико» Ўзбек-турк қўшма корхонаси бош директори

ХОРИЖБОП МАҲСУЛОТЛАР

Корхонамиз фаолият бошлаганига 3 йил бўлай деб қолди. Йилига 600 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўлемига эгамиз. 40 нафарга яқин йигит-қиз ишга жалб қилинган. Ранг-баранг резина, ёқа, манжет каби маҳсулот ҳамда газмоллар ва уларни тўлдирувчи воситалар тикувчи чеварларга маъкул тушмоқда. Хозирча ички бозор учун мол етказиб берилмоқда. Аммо хорижлик тадбиркорлар маҳсулотларимизга қизиқиб қолишди. Дастлабки экспорт моллари Италия ва Германияга етказиб берилди. Бундан бўён ишчилар сони ва маҳсулот турини кўпайтириб, сифат учун курашни авж олдирмаемиз. Ишчиларга етарли шарт-шароитлар берилди. Овқат ва йўлқира пулидан ташқари 250 минг сўмдан маошлар ўз вақтида берилмоқда. Шаҳар тўйига «Тошкент 2200 йил» ёзувли маҳсулот чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

АМАЛИЙ ИШ

ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Избоскан туман ва Гулистон шаҳар ташкилотлари конференцияси бўлиб ўтди.

Туман партия кенгаши ўтган йилларда сиёсий жиҳатдан товланди. Сафлари сараланди. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари даврида 3 та бошланғич партия ташкилоти туман партия кенгаши таркибига қўшилди. Хозир 1300 нафардан зиёд партиядошимиз туманимиз барча соҳаларида фаолият кўрсатаяпти.

Туман партия кенгаши фуқаролар орасида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳада олиб бораётган фаолият халқимиз турмуш даражасини яхшилаш, ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш, қатор қонун ва қарорлар аҳамиятини электро-ратга етказиш, уларнинг фуқаролик ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш каби муайян вазифаларни амалга оширди. Муаммоларни ижобий ҳал қилишда кўмаклашди.

Жумладан, 469 нафар фуқаро туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига ёзма ва оғзаки мурожаат этди. Уларнинг аксарияти иш билан таъминлаш, уй-жой, турли тоифали нафақалар тайинланиши, саломатликларини тиклаш учун сиҳатгоҳларга йўлланмалар олиш каби масалаларда ёрдам сўраганлар. Мурожаат этганларнинг талаб ва истақлари ХДПдан сайланган депутатлар, ижро этувчи органлар ҳамда хомийлар кўмагида ҳал этилди, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Айни вақтда ўз сафида 1209 нафар ХДП аъзосини бирлаштирган Гулистон шаҳар партия ташкилоти 58 та бошланғич, 20 та худудий ташкилотларига таянган ҳолда электротар маъна-атларини ҳимоя этишда фаол қатнашмоқда.

Шаҳар партия ташкилоти олдидан турган вазифаларни бажаришда маҳаллий Кенгашлар депутатлари етакчи ўрин тутишмоқда. Хусусан, шаҳар кенгашининг 15 нафар депутати ХДП аъзоси. Улар шаҳар кенгаши, бошланғич партия ташкилотлари қошидаги Жамоатчилик

қабулхоналарида мунтазам қабуллар ўтказиб, аҳоли шикоят ва аризаларини ҳал қилишга ўз хиссаларини қўшмоқда. ЎзХДП Гулистон шаҳар кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида кенгаш раиси Воҳиджон Ҳасанов 5 йиллик фаолиятни батафсил таҳлил қилиб бериш билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар, мавжуд муаммолар хусусида тўхталиб, Жумладан, кўпчилик ХДП аъзоларида журват ва ташкилотчилик етишмади, оддий ижрочиликдан нари ўтишмади. Ваҳоланки, бугунги давр фаол ҳаракатни, ташаббус кўрсатишни тақозо этаётди.

Бу фойдани конференцияни деярли барча қатнашчилари қўллаб-қувватлашди. — Хозирги пайтда майдонга чиққан ҳар қандай сиёсий кучнинг халқ ичидаги обрў-эътибори амалий иши билан ўлчанади, — деди вилоят мусикали драма театри бошланғич партия ташкилоти раиси Исломуҳаммадов. — Бунинг ижодий жамоамизда баъзи ечилмаган масалалар бор. Одамлар ўз ташвишлари билан ўралашиб, театрга кам қираяпти. Бунинг сабаби нимада? Яхши саҳна асарлари қўйилмапти, десак, наркомания, одам савдоси муаммоларига бағишланган, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланган яхши драмалар сахнага чиқарилганда ҳам шу аҳоли кўрамади. Давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига келтирилган «... жамиятимизда ҳали тараққиёт йўлида тўсиқ бўлиб турган камчилик ва нуқсонлар оз эмас. Уларга жамоатчилик эътиборини кенгроқ қаратиш керак» деган фикрдан келиб чиқиб айтилган бўлсам, партиядошларимиз билан бирга шу асарлар орқали меҳнат жамоаларига, талабалар, ишчи-хизматчилар хузурига борсак, Театр кўнлари, ижобий мулоқотлар уюштирсак маъкул иш бўлади.

Конференция баҳс-мунозарарга бой бўлди ва амалий руҳда ўтди.

Мунаввар ПАРДАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ТаштЭЦ маркази Чилонзор, Миробод, Сергели ва туманимиз аҳолиси яшайдиган уйларни иситиш қисмилик манбаи билан таъминлаб турибди. Тошкент кафеель ишлаб чиқариш заводи маҳсулотларида ҳам талаб катта. Бундан ташқари «Met — Fur — Servis», «Sirkechi Tastekstil», «Al — Akbar Textile», «Бунёдкор», «МАР», «Титан ММК» каби масъулияти чекланган жамиятлардан иборат қўшма корхоналарда ҳам иш ўринларини кўпайтиришга имкон топмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Режага кўра бу йил 9716 та янги иш ўрни яратиш мўлжалланган. Утган ярим йилликда 5260 фўжаро ишли бўлди. «Тоштўқимачи», «Тоштўқимачимаш» заводларидаги ички имкониятлар ҳисобига бу борадаги ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Туманда тайёр

Маҳалладошлар кўнглини олмай туриб, катта байрамни қаршилаш тасаввурга сиғмайди. Нуруний отахонлару мунис онахонларнинг очик чеҳраларини кўриш, дуосини олишга нима етсин. Шу боисдан, байрамолди юмушларидан бири қилиб маҳалла ички кўчаларига асфальт ётқиизишни режалаштирган.

РАҚАМЛАР...

- ◆ Деҳқон бозори — 1 та, шохобчаси — 4 та
- ◆ Савдо дўконлари — 727 та
- ◆ Умумий овқатланиш корхоналари — 120 та
- ◆ Маншӣ хизмат кўрсатиш муассасалари — 210 та
- ◆ Сартарошхоналар — 37 та
- ◆ Суратхоналар — 15 та
- ◆ Кимевий тозалаш шохобчалари — 4 та
- ◆ Пойабзал тузатиш устaxonалари — 19 та
- ◆ Ижара тармоқлари — 3 та
- ◆ Болалар компьютер ўйинхоналари — 27 та
- ◆ Автомобиль таъмирлаш жойлари — 27 та
- ◆ Уй-рўзгор техникасини таъмирлаш — 6 та
- ◆ Соатсозлик устaxonалари — 5 та
- ◆ Теле-радио-видео анжомларини таъмирлаш — 7 та
- ◆ Модалар ательеси — 13 та
- ◆ Нусха кўчириш хонаси — 25 та
- ◆ Ҳаммомлар — 5 та
- ◆ Микрофирма — 450 та
- ◆ Чет эл сармоясига эга корхоналар — 89 та
- ◆ Умумтаълим мактаблари — 16 та

ЧИРОЙИ,


ИСТИҚБОЛИ

БИР НАЗАР

Албатта, бу номлар мустақиллик шарофати билан ўзгартирилди. Юртимизда истиқлол шабадаси эса бошлаган 1991 йилнинг охирида тумани янгича ном билан аташ тарадуду бошланди. Ушанда Санкт-Петербургга бориб «Эрмитаж» музейидан Тошкентнинг 1871 йилги харитаси нусхаси олиб келинган. Афсуски, бу харитада тумanning ўрни ҳам бўлмаган. Овлоқ ва шикорбоп жойларда Первущин, Тезиков деган савдогарларнинг ёзги боғи бўлгани кўрсатилганди, холос.

Дала ҳовли ўрнида: Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи ўрнида юз йиллар илгари генерал Губернаторнинг дала ҳовлиси бўлган. Халқ ўртасида «Губрбоғ» деб юртилиши ҳам шундан. Боғ соҳиби турли мамлакатлардан 250 хил дарахт келтириб ўстирган.


Кушбеги: Ўзбек тилининг изоҳли лугатида бу сўзга шундай маъно берилган. «Амир ва хонлар саройида бош вазир ёки ҳуқуқи вазирга тенг амалдор, ҳоким лавозимини англатади».



«Ўзбекгилсаноат» ДАК биноси

МАҲАЛЛА ОБОД — ЮРТ ОБОД

Нигмон НИЗОМОВ,
«Яккасарой» маҳалласи оқсоқоли,
ЎЗХДП аъзоси



Маҳалла бўлиб яшаш бизнинг азалий кадриятларимиздан. Боиси, Ватан тинчлиги, осудали, фаровон ҳаёти-ю эътиқод масаласи маҳалладан бошланади, шаклланади. Оталарнинг юриш-туриши, меҳнати, одоби кўз ўнгимизда. Падару модарлар иб-

рати ўғил-қизларда кўринади. Демак, маҳалла тарбия ўчоғи. Халқда айтади-ку, бойлигинг тошса бозорга, ақлинг шошса мазорга бор, деб. Бу бежиз эмас. Боиси маҳалламиз ҳудудда шаҳардаги йирк «Фозил ота» қабростони бўлиб бу ерга Япония, Олмония, Озарбойжон ва татар миллатига мансуб фуқаролар ҳам дафн этилган. Қабрлар гулларга бурканганини кўрганганда эътибор ва қадр борлигига шукрона айтасан. Маҳалламиз кўчаларини яшилдирилган, Ободонлаштиришга эътибор катта. Гавжум кўчалар бўйига алоҳида гулхоналар барпо этдик. Маҳалладошларимиз шаҳар юбилейини муносиб нишонлашни сабрсизлик билан кутмоқда.



Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи дарвозаси

ЎХШАШИ ЙЎҚ ШАҲАР

Ёқуб АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон халқ артисти,
ЎЗХДП фаоли



Узоқ ўтмишда яшаб ўтган бобокалонларимиз дарё бўйида истиқомат масканини танлаганларида асрлар оша бу гўша дилтортар, бағрикенг, доғруғи дoston гўзал шаҳарга айланишини орзу қилишган бўлса, ажаб эмас. Хавоси мўтадил, суви ширин, ям-яшил шаҳарга келган кишининг бу ерда яна бир бор меҳмон бўлишни кўнглига олиши табиий. Ахир, Тошкентнинг донини еган чумчуқ Маккадан қайтади деган гап-

лар замирида ҳикмат бор. Чунки кексалар таъбири билан айтганда шаҳарга Аллоҳнинг назари тушган экан. Узининг онгли ҳаётим ҳам шу шаҳар билан боғлиқ. Шу ерда ундим, ўсдим, камол топиб, халқ эътирофига сазовор бўлдим.


Мустақиллик йилларида Тошкент нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки маънавий жиҳатдан ҳам юксалди. Буни туманимиз мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Қайси кўчага, қайси маҳаллага кирманг, катта ўзгариш ва янгиланишлардан дилнингиз яйрайди. Гапнинг сираси, кўп шаҳарларда бўлдим, аммо Тошкентнинг оҳанрабоиси тортиб турганини кўп марта ҳис этганман. Бу ўхшаши йўқ шаҳар билан ҳар қанча фахрлансанг арзийди.



Низомий номидаги давлат педагогика университети

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШСАМ...

Собир СУЛТОНОВ,
уруш ва меҳнат фаҳрийси



Ўзига хос, ўхшаши йўқ халқимиз. Ўз одобимиз, дунёқарашимиз ва турмуш тарзига эга, бағрикенгмиз. Буюк аждодларга муносиб авлод камол топмоқда. Дунёдаги тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатларда Тошкент номи ифтихор билан тилга олинмоқда. 2007 йили «Тошкент Ислom маданияти пойтахти» деб аталиши ҳам бежиз эмас.

Мен армонсиз яшаётган кексалардан бирман. Тўқсон билан тўқнашиб, юз билан юзлашим ораусиданман. Тўри, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси сифатида Га-лаба парадда иштирок этганлардан фақат Сиз қолдингиз, дейишади. Зеро, га-лабанинг 60 йиллигида Юртбошимиз кўлимни маҳкам сиқиб, 65 йилликда ҳам бирга бўламиз, деганларини унутиб бўлармиди?! У ёғини сўрасангиз азим Тошкент мустақиллик йилларида таниб бўлмас даражада чирой очди. 18 йилда қарийб 50 йилга хос бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Тошкент ойма-ой ўзгаришти десам муболага бўлмас. Агар мен юз ёш билан юзлашсам, мустақилликнинг 30 йиллигини кўриш насиб этади. Мамлакатимизнинг янада улуг кунларига ҳар биримизни етказсин.

«Ўзбек-Турк» кўшма корхонасида



«Ўзбек-Турк» кўшма корхонасида

СЎЛИМ, КЎРКАМ, ФАЙЗЛИ

Баҳодир ИСРОИЛОВ, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи раҳбари

Илгари боғ майдони 11,5 га. бўлиб «Тўқимачи» деб аталарди. Кейинчалик Бобур номи берилди. 1997 йили боғ қайта қурилиб, таъмирланган. Умумий майдони 17,8 га. етказилди. Ҳозир замон талабларига мослаштирилган боғимизда клуб мажмуаси, катта теннис ва футбол майдончалари, кўпубхона, қайиқ сузадиган ҳовуз, турли хил

қўнғилочар ўйин қурилмалари билан жиҳозланган. Фавворалар ва дарахтлари кўп, соя-салқин бу хиёбон ҳам шаҳарларимизнинг сеvimли масканига айланган. «Оролча» оромгоҳи ҳаммаша гавжум. Кўзга кўринарли ерда япон мутахассислари ўрнатган «Тинчлик бонги» бўлиб, 103 мамлакатдаги каби бир вақтда, яъни 11.00 да жаранглаб «Жаҳонга

тинчлик!» нидосидек янғрайди. Бу ерда турли анъанавий тадбир ва маросимлар қатори «Байналмилал» миллий-маданият маркази ташаббуси билан байрамларни нишонлаш анъанана айланган. Она шаҳримиз тўйига тўёнади бор. Яқин кунларда 15x30 метр ҳажмдаги бассейн фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари, футбол майдони ўрнида республикада ягона учини берк муз устида учини мажмуаси барпо этилмоқда.




«Аския» бозорининг дарвозаси



Суратлар муаллифи: А.ХАЙДАРОВ ва Ш.КАХҲОРОВ. Бозорда ёз неъматлари

- ◆ Ўқувчилар сони — 12,376
- ◆ Мактабгача тарбия муассасалари — 23 та
- ◆ Клиник шифохоналар — 4 та
- ◆ Оилавий поликлиникалар — 4 та
- ◆ Диспансерлар — 5 та
- ◆ Тез ёрдам станциялари — 1 та
- ◆ Дорихоналар — 72 та
- ◆ Спорт иншоотлари — 108 та
- ◆ Стадионлар — 1 та
- ◆ Бассейнлар — 4 та
- ◆ Спорт заллари — 32 та
- ◆ Спорт билан шугулланувчилар — 24125 нафар
- ◆ Кутубхоналар — 8 та
- ◆ Музейлар — 5 та

Саҳифани Ҳайдар НОСИРОВ тайёрлади.



72 СОАТЛИК МУҲЛАТ ТУГАДИ

ташкilotга аъзоликдан чиқади

Маълумки, Америка давлатлари ташкilotи Гондураснинг янги маъмуриятига ультиматум эълон қилиб, 72 соат муҳлат берган эди. Шу муҳлат ичида Гондурас «пуччаси» иштирокчилари 28 июнда тахтдан ағдарилган мамлакат президенти Мануэл Селайни ўз лавозимига қайтадан тиклаши лозим эди. Акс ҳолда Гондурасни ташкilotга аъзоликдан чиқариб юбориш ҳақида оғохлантирганди.



«AFP» АА маълум қилишча, ультиматум муҳлати тугади. Шу муносабат билан Гондурасдаги вазиятни муҳокама этиш учун Америка давлатлари ташкilotи Вашингтонда фавқулодда мажлис ўтказди. Дарвоқе, бир кун аввал ташкilot бош қотиби Хосе Мигел Инсульс Гондурасга ташриф буюрган ва ҳарбий давлат тўнтариши ташкilotчилари билан учрашганда улар Селайни ўз лавозимига қайтариш нияти йўқлигини билдирган эдилар. Яъни Гондурас Олий суди раиси агар Селайни мамлакатга келадиган бўлса, уни қамоқ қутаётганини айтганди.

Шунинг учун ҳам Гондурас Америка давлатлари ташкilotи аъзоликдан чиқишини маълум қилди.

240 ТА РАДИОСТАНЦИЯ

фаолияти тўхтатилиши мумкин, агар...

Венесуэлада 240 та радиостанция фаолияти тўхтатилиши мумкин.

Телекоммуникация соҳасини мувофиқлаштириш билан шугулланувчи агентлик раҳбари Диосадо Кабельнинг таъкидлашича, дейилади «Associated Press» АА хабарига, улар қайта рўйхатдан ўтиш ва лицензия муҳлатини узайтириш учун етарли ҳужжат тақдим қилолмаганлар.

Маълумотларга қараганда, июнь ойи бошларида ҳукумат радиостанция ва телеканаллар зиммасига ўз активлари ва уларнинг соҳиблари ҳақида ҳукумат ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш ва қайта рўйхатдан ўтиш мажбуриятини юклаган

эди. Охириги муҳлат 23 июнгача белгиланган бўлишига қарамай, 86 та радиостанция деярли ҳеч қандай ҳужжат тақдим қилолмади. Шунинг учун уларнинг лицензия муҳлати узайтирилмади. Қолганлари ҳам тўлиқ ўрганиб чиқилади.



ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИШГАН ЭДИ

аммо талаб қондирилгач...



Литва касаба уюшмалари мамлакат маъмуриятининг иқтисодий сиёсатига қарши норозилик сифатида омманнинг очлик эълон қилишини ташкиллаштирган эди.

Бу очликни улар 23 июлгача (шу кунни давлат харажатлари қисқартирилишини назарда тутувчи бюджетга тўзатишлар қароридан) давлатнинг бекор қилиниши билан қисқартирилиши бекор қилди.

Маошлар қисқартирилиши ҳақида ҳукумат 17 июнда қарор қабул қилган эди. «Delfi.lt» АА маълум қилишча, Литвада иқтисодий инқироздан чиқиб уруш ҳукумат бир неча бор давлат харажатларини қисқартирди, ҳатто 2008 йил охирида солиқ имтиёзларини бекор қилган эди. Аммо булар инқироз оқибатларини енгилаштиришга етарли бўлмади. Навбатдаги бюджет харажатларини қисқартириш амалиёти шу ой охирига мўлжалланган.

«MUNICIPAL AUKSION MARKAZI» MCHJ

ОЧИҚ АУКСИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЕТАДИ

Аукцион савдоларига: «Тошкент трактор zavodi» OAJ tasarrufidagi Toшkent sh., Mirzo Ulug'bek tumani, Axmad Yugnakiy mavzesi, 33'a» — uyda joylashgan, umumiy maydoni 239 kv.metr ga teng bo'lgan «Go'sht-sut» savdo do'konini qo'yilmog'ga. **Boshlang'ich narxi 162 536 273,53** (bir yuz oltmish ikki million besh yuz o'ttiz olti ming ikki yuz etmish uch) so'm (ellik uch tyin). Zakalat 32 510 000 (o'ttiz ikki million besh yuz o'n ming) so'm.

Aukcion savdosi 2009 yil 11 avgust kuni soat 15-00da boshlanadi. Aloqa telefoni: 244-88-03, 244-88-04. Elektron pochta: aukcion@bk.ru. Shuningdek 30 iyun kuni o'tkazilgan aukcion savdolarida «4-sontli» qurilish — ta'mirlash boshqarmasi ning 1997 yilda /ch «Gaz 330210» ruzumli a/v 5000000 so'mga va «Toшkent Arxitektura qurilish instituti» ning 1992 yilda /ch «UAZ-3303» ruzumli a/v 4200000 so'mga sotildi. **Guvoхнома: № 001568 — 09**

Долзарб мавзу

Бугун «икки кутбли мафкура» ўрта-сидаги кураш барҳам топган бўлса-да, жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга бўлган уринишлар турли йўللار ва услублар билан содир этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов таъкидлаганидек, «қудратли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз мақсадлари-»

билан бир қаторда минтақавий МДХ ва ШХТ каби ташкилотлар билан ҳамкорликда диний экстремизм ва терроризмга қарши фаол кураш олиб бормоқда.

ГЕОСИЁСИЙ МАҚСАДЛАР ВА ҒОЯЛАР КУРАШИ

га эришиш учун аввало забт этмоқчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онини ўзига қарам қилишига интилади.

Халифаликни тиклаш ҳақидаги хомхаёлнинг тўғри эканини асослашга уринувчи кучлар бу ҳол айнан миллат сифатида ўзликини англашга йўл қўймаслигини, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини сўндиришини яширадилар.

ри мунтазам такомиллаштириб боришмоқда.

Бунинг учун ҳозирги замон оммавий ахборот воситаларидан ҳамда турли хил марказлар, нодавлат ташкилотлар, айни пайтда «ўзаро ҳамкорлик»ка йўналтирилган ижтимоий, маданий, иқтисодий воситалардан фойдаланиш орқали дунёнинг турли ҳудудларида ўзига хос мафкуравий муҳитни шакллантириш мақсадлари ҳам қўзланмоқда.

Хозирги таҳликали шароитда бундай ўта кескин кўринишлар жиҳдий можароларни келтириб чиқариши, дунёдаги барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши инсониятни ташвишлантирмоқда.

Бунгунги кунда динлараро бағрикенглик гоёси нафақат диндорларнинг, балки бутун жамият аъзоларининг эзгулиги йўлидаги ҳамкорлигини назарда туттади ҳамда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётнинг муҳим шартли ҳисобланади.

Бундай ҳаракатларнинг тарафдорлари ўзларини дўст, миллатдош, ватандош, диндош этиб кўрсатиш никоби остида ёт гоёларни сингдиришга уринмоқдалар.

Диний эътиқод инсоният тарихининг барча босқичларида маънавий-маданий ҳаётнинг муҳим бўлиб келган. Модомики шундай экан, диний қадриятлар жамиятнинг маънавий ва маданий ва ҳатто ижтимоий тараққиётига ҳам муайян таъсирини кўрсатади.

2000 йилнинг сентябрь ойида Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ЮНЕСКО раҳнамолигида «Жаҳон динлари тинчлик маданияти йўлида» мавзусида динлараро халқроқ симпозиум бўлиб ўтганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Уттан асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб исломдан сиёсий мақсадларда фойдаланиш ҳоллари кўпроқ намоён бўла бошладилар. Бу ҳол илк бор 1950-1960 йилларда чуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни бошидан кечирган Миср, Сурия ва Ироқ каби давлатларда кўзга ташланган бўлса, 1980-йилларнинг охирига келиб, динни никоб қилиб олган, радикал характерга эга исломий ташкилот ва партияларнинг гаразли ҳаракатидан холи бирор-бир мусулмон давлати қолмади.

Уз ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга мос келмайдиган ва уларга зид бўлган гоёлар «экстремистик» ҳисобланади. Диннинг қандайдир бир йўналишини бузиб талқин этган ҳолда сиёсий мақсад кўювчи ҳаракат «диний экстремизм»га олиб келади. Муқаддас ислом динини никоб қилиб олиб, манфур ишларни амалга ошираётган бир тўда мутаассиб кучлар, табиийки, ер юзидаги барча мусулмонларнинг руҳий олами, хоҳиш-истаги ва дунёқарошини белгилай олмайдилар.

Мутаассибликнинг ўзига хос хусусияти ва кўринишлари, авваломбор, фақат ўз эътиқодининг ҳақиқийлигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга муро-сасиз муносабатда бўлишдан иборатдир. Бу ҳолат эса сўнгги чора сифатида ўзвонлик ҳаракатлари ва мийиллиги билан ажралиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратди.

Бугунги кунда мусулмон мамлакатларининг аҳолиси дунё аҳолисининг 20 фоизга яқинини, ер юзидаги 1,5 миллиард атрофидаги аҳолини камраб олади.

Оқирги йилларда дунёдаги турли давлатлар, халқлар, миллатлар ва динлар ўртасига низо солиш, кескинлик ўчоқларини келтириб чиқариш ниятида ислом динидан мафкуравий восита сифатида фойдаланишга ҳаракатлар кучаймоқда.

Узбекистон Республикаси ҳукумати халқроқ терроризмнинг глобал ва халқроқ хавфсизлик учун хатарли эканлигини бошқалардан илгари англаган ҳолда дунё давлатларини уларга қарши ҳамжиҳатликда курашга даъват этди. Биринчилардан бўлиб, Юртбошимиз томонидан БМТ минбаридан туриб жаҳон афқор оммасига бу муаммо глобал аҳамиятга эга эканлиги тушунтирилди ва уни бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарурлиги таъкидланди.

Бугунги глобализм жараёнида инсон қалби ва онги учун кураш, геосиёсат майдонидида мафкуравий ҳукмронлик қилишга интилиш кучаймоқда. Ҳақиқатан ҳам АҚШдаги 2001 йил 11 сентябрь воқеалари бу фикрлар тўғри эканлигини тўла исботлади ва диний экстремизм ҳамда терроризмга қарши курашда ўзаро ҳамкорлик зарурлигини кўрсатди. Ўзбекистон бугунги кунда БМТ

Оқирги йилларда дунёдаги турли давлатлар, халқлар, миллатлар ва динлар ўртасига низо солиш, кескинлик ўчоқларини келтириб чиқариш ниятида ислом динидан мафкуравий восита сифатида фойдаланишга ҳаракатлар кучаймоқда. Айниқса, Марказий Осиё халқларининг қадриятлари ва маънавиятида ислом динининг тутган ўрнидан фойдаланиб, минтақада диний экстремизм ва фундаментализм гоёларини кенг тарқатиш борасида олиб борилаётган кўпуровчилик ҳаракатлари кўзга ташланмоқда.

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарор, умуминсоний қадриятлар улуғланаётган, маънавий мерос ва диний қадриятлар тикланиб, инсон ҳуқуқлари устувор даражага кўтарилган мамлакат сифатида дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга.

Ортиқбек ЮСУПОВ, фалсафа фанлари номзоди.


Муҳимлик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Объект номи: «Фаргона вилояти, Қувасой шаҳридаги жиноят ишлари бўйича суд биноси мустақамлигини ошириш ва капитал таъмирлаш» КМИГА. Муддати — 01.09.2009 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРАЛИГИ ҚУЗУРИДАГИ СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

Танлов савдоси ЭЪЛОН ҚИЛАДИ: Қурилиш-монтаж ишлари ўз маблағи ҳисобидан (маҳсуус ҳисоб-рақами) молиялаштирилади.

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт



Дзюдочиларимиз ГИЛАМГА ЧИҚИШАДИ

Шу кунларда Сербия пойтахти Белградда XXV Бутунжаҳон ўзги универсиадаси баҳслари давом этмоқда. Энда дунёнинг 145 давлатидан келган тўққиз минг нафардан зиёд талаба-спортчи спортнинг ўн беш тури бўйича 203 комплект медаллар шоҳиса учун кураш олиб боришаптир.

Мусобақа дастуридан жой олган дзюдо беллашувлари бугун бошланади. Унда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам голиблик учун гиламга чиқади. Дзюдо беллашувларида мубабийлар Норбобо Муродов, Одилхон Тулендибоев, Юрий Хабаров, Хуршид Набиев, Фармон Қобулов, Азизбек Курбонов, Умирбек Норқобилов ҳамда Габит Есимбетов сингари полвонларимизга ишонч билдиришган.

СИНГАПУР МАЙДОНЛАРИДА...

Кеча Сингапурда ўсмирлар ўртасида илк маротаба ўтказилган Осиё ўйинлари ўз ниҳоясига етди. Аввал хабар қилганимиздек, спортнинг тўққиз тури бўйича ўтказилган баҳсларда ўттиз бир нафар вакилимиз иштирок этди.

Дастлаб энгил атлетикамиз Светлана Прошкина баландликка сакраш бўйича (168 см.) бронза медалига сазовор бўлди. Сунгра унинг қаторига яна икки спортчимиз қўшилди. Жумладан, Руслан Курбонов уч хатлаб сакраш бўйича, Юлдуз Қўчқорова 100 метрга чалқанча усулда сузиш баҳсларида шоҳсупанинг учинчи по-

гонасидан жой олдилар. Охири кунги сузиш баҳсларида ҳамюртларимиз медаллар учун кураш и давом эттиришди. Унда кизларимиз 4x100 метрга эркин, Дмитрий Швецов 200 метрга брасс ҳамда Юлдуз Қўчқорова 50 метрга чалқанча усулларда сузиш бўйича ўз омадларини синаб кўришди.



СКОЛАРИНИНГ ДЕБЮТИ



Футбол бўйича 2002 йилги жаҳон чемпиони — Бразилия, 2004 йилги Европа вице-чемпиони — Португалия терма жамоаларини бошқарган таниқли мутахассис Луиз Фелипе Сколари 1 июлда Тошкентнинг «Бунёдкор» футбол клубида иш бошлаганини маълум қилгандик. 3 июль куни бунёдкорчилар янги бош мураббий раҳбарлигида илк учрашувни Қаршида «Насаф» жамоасига қарши ўтказдилар.

Қаршидаги «Марказий» стадионда ўтган учрашувни ўйин-гоҳинг ўзида йигирма минг нафардан зиёд мухлис томоша қилди. Сколарининг таширфини маҳаллий ишқибозлар олқилар билан қарши олдилар. Учрашув арафасида «Насаф» профессионал футбол клуби бош менежери Баҳром Давлатов қашқадарлик кўпсонли мухлислар номидан бразилиялик таниқли мутахассисга зарб-боф тўн қилғизди. Ниҳоятда мurosасиз ва шиддатли кечган ўйин эса 1:2 ҳисобида меҳмонлар галабаси билан якунланди.

Эълон Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Олий ҳарбий божхона институти ҳудудидидаги қуйидаги техник ускуналарда жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича танлов савдоси ўтказилади: — қозонхона; — иссиқ сув қувурлари.

Муддат: эълон қилингандан сўнг 20 (йигирма) кун ичида. Қўшимча маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Қозиробод 2-тор кўчаси, 118-уй. Тел/факс: (3712) 244-56-26.

Анджон давлат тиббиёт институти томонидан 2009 йил битирувчиларига берилиши лозим бўлган, ёзилмаган 295124 сонли мутахассис дипломи бланкаси чиқмаганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Advertisement for Farqona district, including contact information for the district administration and details about a tender for construction work.

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHIRIR HAY'ATI: Abdulla OROPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'afar HOTAMOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Svetlana GERASIMOVA, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI; BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Mas'ul kotib; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda; MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY, info@uzbekistonovozi.uz; Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV; «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.